# Аёл олами

**БУГУНГИ бозор иқтисодиёти мураккабликлари ҳар бир оила соҳиби ва соҳибасидан уй-рўзғор юритишда тежамкор, тадбиркор бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса дастурхонимизнинг мўл-кўл, уйимизнинг обод ва ташвишларимизнинг енгилроқ бўлишини таъминлайди.**

**Қибрай қўрғони Садоқат кўчасида истиқомат қилувчи Шарофат опа Абдурасулова ана шундай оқила уй бекаларидан. Яқинда у киши билан суҳбатлашдик.**

ТАДБИРКОР УЙ БЕКАЛАРИ

## РЎЗҒОР БАРАКАСИ

— Аёл кишининг бош вазифаси — оиланинг мустаҳкамлиги ва осойишталигини сақлаш, — деди Шарофат опа. — Чунки бусиз фарзандлар камоли, бахтли келажаги ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Шарофат опанинг Аъзамхон ака билан ҳаёт ришталарини боғлаганига ўттиз йил бўлиб қолди. Улар 4 ўғил, 1 қизнинг ота-онаси бўлишди. Аъзамхон ака колхозда тракторчилик қилардилар. «Эр-хотин қўш қанот» дейдилар. Улар ҳам аҳиллик билан топганларини ўртада баҳам кўрдилар. Оилавий фаровонликнинг ўсиши, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, рўзғор юритишнинг энг биринчи шарти тежамкорлик эканлигини яхши тушундилар.

Катта ўғиллари Мурodжон ва Абдуллалар ота-она ёнига киришди. Уларнинг пули ҳам рўзғорга барака кирита бошлади. Ота-она яхши ниятлар билан уларнинг топганларини алоҳида йиғишди. Ҳозир уларнинг ҳар иккиси ҳам оилали, фарзандлари бор.

— Болалар катта бўлиб қолишгач, район ижроия қўмитасига уйга навбатга туриш учун ариза бериб қўйган эдик. Навбатимиз етиб, иккала ўғлим учун квартира ажратилди. Улар ҳозир ўз оилалари билан алоҳида туришади, — дейди Шарофат опа.

Лекин ҳаёт доимо бир текис давом этмас экан. Узоқ йиллар кучли трактор шовқини остида ишлаш ўз таъсирини кўрсатди. Аъзамхон ака икки йилча қон босими касаллигига дучор бўлиб, қулоқлари яхши эшитмайдиган бўлиб қолди ва ҳозир II гуруҳ ногирони сифатида нафақа оладилар.

Шарофат опа катта ўғли билан биргаликда эрини кўрсатмаган дўхтири қолмади.

— Ношукрлик қилмайман, — дейди опа. — Иш қилиб бахтимизга омон бўлсинлар.

Уйда касал эр, рўзғор ташвиши, давлат иши, томорқа, мол-хол, яна совхоздан олинган ердаги экинлар парвариши... Айтишга осон. Аслида эса буларнинг ҳар бири аёлдан қанча сабр-тоқат, бардош, меҳнат талаб қилади.

Ҳозирда оиланинг ойлик ўртача бюджети 700—800 атрофида. Агар расамади билан иш тутилмаса, бу пул бир ҳафтага ҳам етмайди. Лекин тадбиркор оила соҳибаси рўзғор юритишда ортиқча, кераксиз харажатларга йўл қўймайди.

— Ҳар ҳолда ёмон яшамаяпмиз, — дейди у, — ҳозир ким билан, қаерда суҳбатлашманг, албатта, замон оғирлашиб бораётганлигидан, яшаш қийинлашаётганлигидан нолийди. Лекин менимча, бу тўғри эмас. Ҳадеб турмуш оғир, яшаш қийин, деб қўл қовуштириб ўтираверган билан иш битмайди. Одам ўзи учун, бола-чақаси учун ҳаракат қилиши керак.

Биз ўтган йилнинг бошларида яхши ниятлар билан учинчи фарзандимиз Акбаржоннинг тўйига атаб «Орджоникидзе» совхозидан шартнома асосида учта бузоқ олдик. Семиртириб, гўштга топширдик. 4,5 минг сўм даромад қилдик. Совхоз берган 60 сотих ерга картошка эккан эдик, 5 тоннадан кўпроқ ҳосил топширдик. Ўз томорқамизга ҳам рўзғор учун зарур сабзавот экинлари экканмиз. Зарур маҳсулотлар ўзимиздан чиқади. Сигир бузоғимиз бор. Сут-қатиқнинг ортганини сотамиз. Оиламизда ҳеч ким бекор ўтирмайди. Бажариладиган юмушлар тақсимлаб берилган, ҳар ким ўзига хос ишни бажаради.

Ҳозир қиз узатаётганларга ҳам, ўғил уйлантираётганларга ҳам қийин. Оддий чит топилмайди. Қўша-қўша сарполар, тахмон-тахмон тўшак кўрпалар қилишнинг ўзи бўладими? Шунинг учун биз қуда томон билан келишиб, ўғлимиз Акбаржоннинг никоҳ тўйини ортиқча ҳашамларсиз ўтказишни режалаяпмиз.

Тежамкорликни ҳеч қачон хасислик деб тушунмаслик керак. Бундай рўзғор тутиш оилага фақат фаровонлик олиб келади. Масалан, фарзандлар ёки ўзимиз учун бирор кийим харид қилишдан олдин сандиқ ва жомадонлардаги тахланиб ётган кийим-кечак ёки матоларни, албатта, бир кўздан кечириб чиқаман. Шунда баъзан ортиқча харажатга, янгисини сотиб олишга ҳожат ҳам қолмайди. Ҳар ойнинг охирида эса аввалдан белгилаб олинган сарфлар жой-жойига кетдими ёки изидан чиқдими, албатта, текшириб бораман. Агар бир бурда нон ортиб, сал суви қочиб қолган бўлса ҳам, дарҳол тўғраб, офтобда қуритиб оламан. Катта фарзандларимнинг эскирган, йиртилган кийим-бошларини тикиб-чатиб, ямаб кичикларига кийдираман. Энг муҳими, уларнинг тоза, дазмолланган бўлишига эътибор қилиш керак.

Ҳа, уй бекаси тадбиркор бўлса, рўзғорга барака киради. Айниқса, ҳозирги кунда тежамкорликни, ошиқча харажатларни қисқартириб, оила иқтисодини мустаҳкамлаш керак.

**З. ЖУРАЕВА.**
**Қибрай райони.**



**● ҚАНДАЙ кунларга қолдик, эртага нима бўлади, ҳолимиз не кечади—ҳеч ким билмайди. Тишимизнинг кавагида асраб юрган пулимиз баъзан битта тоғора олишга ҳам етмайди. Рўзғор ками биргина тоғора билан битмайди-ку! Ун, ёғ, гуруч керак. Ҳар йили нари борса 50 тийинга сотиб олинадиган пиёз, картошка, сабзавот нархлари 3—4 сўмга чиқиб кетди. Бозор, магазинларда оғзиларига сиққан баҳони қўйиб сотишяпти, гўшт дўконлари яқинига йўлаб бўлмайди: кўйлагингиз йиртилиб, сочларингиз тўзиб навбатингизга етиб борганингизда каттакон суякли гўшт оласиз. «Ҳой, ука, инсоф борми!» деб айтолмайсиз. Дарвоқе, «инсоф» дедик. У қаерда! Қидирса топиладими! Менимча, ҳозир инсофни ҳам кимошди савдосига қўйиб сотиб юборишган. Яшаганда олиб-сотар, чайқовчи яшаяпти. Уларда чўчиш-ҳадиксираш йўқ, сиз билан биз зориқиб юрган нарсаларни кўзимизни куйдириб, бемалол сотишмоқда. Уларни оддий меҳнаткаш сотиб ололмайди.**

**Суратдаги аёл кўзларига бир қаранг. Бу кўзларда бир олам ташвиш, хаёл. Тоғора кўтариб олган ўғилчаси ҳам нималарнидир ўйламоқда. Фақат қўлидаги кичкинтойига барибир. У серташвиш одамларга кулиб боқади, нималаргадир талпинади. «Тўкин-сочинли кунлар келармикин,— дея кўнглидан кечиради аёл.— Ишқилиб фарзандларимиз бахтига тўкинлик бўлсин-да...».**

**Ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз шундай!**

**Э. ҚОСИМОВ.**

**А. ТЎРАЕВ сурати.**

## ДЕЙДИЛАРКИ...

● Она аллалари — санъатнинг бебаҳо хазинасидир.

Расул ҲАМЗАТОВ.

● Болаларинг олдида рафиқангга дашном берма.

ПИФАГОР.

● Хотин — уйнинг гули,
Бола — дилнинг.

ХАЛҚ МАҚОЛИ.

● Хотин — эрга ойнак.

ХАЛҚ МАҚОЛИ.

● Хотин дўстимиз ва умр йўлдошимиздир. Бинобарин, уни ўрта яшар бўлганида ҳам, кампир бўлганида ҳам севишимиз керак, деган фикрга ўзимизни олдинроқдан кўниктирмоғимиз лозим.

В. БЕЛИНСКИЙ.

## ҲАМИША САЛОМАТ БЎЛИНГ!

**АНГРЕНДАГИ РЕЗИНА-ТЕХНИКА БИРЛАШМАСИДА ИШЧИ АЁЛЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

Очиғини айтганда аёлларимизнинг уй ишлари, бола-чақадан ортиб даволанишга ҳам вақтлари йўқ. Касални оёқда ўтказиб ногирон бўлиб қолганлар қанча.

Ангрендаги резина-техника ишлаб чиқариш бирлашмасида ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида янгича усул қўлланила бошланди.

Маълумки, корхонада ишловчиларнинг катта қисмини аёллар ташкил этади. Вақти-вақти билан ҳар бир цех, бўлинмада тиббий кўрик ўтказилади. Кимнинг қандай дарди борлиги аниқланиб, сўнг жадвал тузилади ва шу жадвалга мувофиқ йил давомида навбатма-навбат корхона ёнидаги бир неча гектарлик боғ ичида жойлашган замонавий тиббиёт ускуналари, жуда кўп хил шарт-шароитлар яратилган профилакторийда даволанишади. Масалан, бу гал ошқозон-ичак касалликлари билан оғриганлар даволанса, кейинги гал юрак-қон босими бўйича, сўнг эса аёллар касалликлари билан оғриганлар шифо топади. Яъни жамоа аъзолари текширилганда қандай касаллик кўп учраса дастлаб ўша касаллик бўйича даволаниш курси очилади. Жадвал бўлгани учун шунга яраша буюртма бериб, ўша муддатга лозим дори-дармонлар тахт қилиб қўйилади.

Яқиндан бошлаб шифобахш лой-балчиқ билан даволаш бўлинмаси ҳам ишга тушди. Тиббиёт ходимларининг айтишича бу усулда иш тутиш касалликларнинг олдини олишда жуда муҳим ўринни эгаллаётир. Касб касалликлари йилдан-йилга камаймоқда.

Умуман, корхонада хотин-қизларнинг самарали меҳнат қилишлари, дам олишлари учун қулайликлар яратиб берилмоқда, иш шароитлари яхшиланмоқда. Деярли барча цехларда аёллар гигиенаси хоналари мавжуд.

Облиқ қишлоғидан кўпгина аёллар мазкур корхонада ишлашади. Лекин бу қишлоқдаги болалар ўқийдиган 29-ўрта мактаб бироз узоқ. Шуни ҳисобга олиб талабаларни эрталаб ўқишга олиб келиш ва ўқишдан олиб кетиш учун корхона машина ажратди. Бу ҳам оналарнинг ташвишини анча камайтирди.

Бирлашмада ҳафталик иш муддати 41 соатдан ва беш кундан ортмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Мабодо бирор узрли сабабга кўра ишчи ишга жалб этилса, у ҳолда корхона икки карра ҳақ тўлайди ва шунда ҳам ишдан ташқари вақтда ишга жалб этиш вақти ойига 19 соатдан ошмаслиги зарур.

Бирлашмада ишловчи аёллар учун яна қатор қўшимча шарт-шароитлар, имтиёзлар яратилмоқда. Болалар боғча-яслисига борадиган онага қўшимча компенсация пули берилади. Ишловчи оналарга енгиллик туғдириш мақсадида, корхона Облиқ қишлоғида 280 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғча-яслиси қурилишини бошлаб юборди. Шунингдек бир йўла 280 беморни қабул қила оладиган поликлиника бунёд этилмоқда. Булардан ташқари ҳар бир иш куни учун овқатланишга илгари белгиланган бир ярим сўм ўрнига 2 сўмдан пул берилаяпти.

Корхонада ишловчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ҳам хотин-қизларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда. Шу йилнинг ўзида арзон нархда салкам 400 центнер гўшт, 500 килограммга яқин цитрус маҳсулотлари, асал, пиёз, кўклар ва бошқа неъматлар сотилди.

**Б. ПЎЛАТОВ.**

● *Луқма*

## ҲУКМ ТЎҒРИМИ?

Қадимда Шарқда аёлларга гўзаллик, латофат, назокат рамзи сифатида қарашган, онани энг улуғ зот деб билишган. Чунки аёлларнинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи омил оила ҳисобланган. Аёллар ҳам фарзанд тарбиясини, оила манфаатларини устун қўйишган. Шунинг учун ҳам ўша даврларда ота-онаси бўла туриб «тирик етим» бўлиб қолган дарбадарлар, беникоҳ дунёга келиб, ахлат қутиларига ташлаб кетилаётган гўдаклар жамиятнинг дардли муаммоси бўлмаган...

Ҳозир аёллар барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқли, баъзи ҳолларда эса асоссиз устунликларга ҳам эга...

Фикримни исботлаш учун бир воқеани келтириб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Н. маҳалласида истиқомат қилаётган ёш оила бузилиб кетди. Ёшгина гўдак онанинг қўлида қолди, чунки бундай ҳолларда қонун унинг тарафида. Ота эса судда ҳамма айбни бўйнига олиб турганига қарамай, ҳакамларнинг бу ҳукмига қатъий норозилик билдирди, фарзандини ўзи билан қолдиришларини талаб қилди. Охири шу пайтгача орият устун келиб, айбни бўйнига олиб турганини, аслида эса ҳамма гуноҳ хотинида эканини жаҳл устида «тутаб» гапириб берди.

— У менга хиёнат қилди.... Ишончимни, ҳаётимни паймол қилди, — деди у куюниб.

Аёл эса ўзини оқлаш учун ҳеч нарса демади, чунки у ҳақиқатан ҳам гуноҳкор эди. Бироқ суд қарори ўзгармади.

Йигитнинг «оҳи» кўкка етгудек эди.

— Наҳотки фарзандимнинг тақдирини, келажагини аёллик шаънини, номусини топтаган, оналик ғурурини ерга урган кишига топширишса! Ахир унинг фарзандимга эгалик қилиш учун маънавий ҳаққи йўқ-ку?! — дерди боякиш йигит.

Бу воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Анча ўйладим, бироқ, эрига хиёнат қилган аёлни оқлай олмадим, нимадир бунга йўл қўймади. Фарзанд тарбиясини тарбияси бузилган аёлга ишониб бўлармикин?

**Б. МИРЗАҚОБИЛОВ.**

## ЯХШИ НИЯТ

Шу йилнинг январь ойида Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз умумий йиғилишида олти нафар номзод орасидан Муқаддас Холиқова раисликка сайланди. Энди эса одамлар опани танлаб, адашмаганликларига амин бўлмоқдалар. Ўша пайтда М. Холиқованинг дастури кўпчиликка маъқул тушганди. Чунки унда асосий мақсад ва эътибор колхозчи хотин-қизлар ҳаёти ва турмушини яхшилашга, уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган эди.

Раиса ташаббуси билан якшанба куни дам олиш куни деб эълон қилинди. Пировардида хотин-қизлар қулай имкониятларга эга бўлдилар. Шунингдек далада ишловчиларнинг ойлик маошларига 30 фоиз қўшимча ҳақ қўшилди.

Тошлоқ участкасида анчадан бери ишламаётган 140 ўринли боғча ишга туширилди.

— Она фарзандидан кўнгли тўқ бўлсагина меҳнати унумли бўлади,— дейди М. Холиқова. — Шунинг учун ҳам фақат мавсумда ишлайдиган бу боғча ҳозир доимий ишлайдиган бўлди. Яқин кунларда эса колхоз идораси биносини ҳам боғчага бўшатиб бермоқчимиз.

Шу йилнинг ўзида 30 километр узунликдаги масофага газ қувурлари ўтказилди. Оқ олтин, Тошлоқ, Мўпир участкаларидаги хонадонларни эса 1992 йилда газлаштириш режага киритилди. «Оқ олтин» участкасида 62 минг сўмлик водопроводлаштириш ишлари бажарилди.

Биз Йўлдош Тўлабоев бошлиқ 2-бригадада каноп ўримини тугаллаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашдик.

— Аёл киши аёл дардини яхши тушунар экан,— деди бригада аъзоси Инобат Шорусланова,— Опа раис бўлганларидан бери ибратли тадбирлар амалга оширилди. Яқиндагина Ўзбекистонимизнинг мустақиллик кунини жуда катта байрам қилдик.

Колхозда бу йилги оғир шароитда қишда таъминотда узилишлар бўлмаслиги учун ҳам пухта тараддуд кўрилди. 400 тонна буғдой, 50 тонна пиёз, 50 тонна картошка, 100 тонна маккажўхори дони қишга ғамлаб қўйилди.

— Ўзбекистонимиз мустақил бўлди,— дейди биз билан суҳбатда Муқаддас Холиқова.— Бинобарин, унинг гуллаб-яшнаши учун раҳбарлар ҳам, оддий колхозчилар ҳам муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Мен Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойида айтилган гапларга тўлиқ қўшиламан. Колхозимиз меҳнаткашлари мустақиллик қўлга киритилган йилда план ва мажбуриятларини сўзсиз бажарадилар.

Муқаддас опанинг орзулари кўп. У Буюк ипак йўлида жойлашган «Ўртасарой» қишлоғининг қадимий шон-шуҳрати тикланишини, хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб, одамлар пиру-бадавлат яшашини истайди.

Яхши ният албатта амалга ошади.

**З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.**

## БИЛИБ ҚЎЙИНГ, БУ ҚИЗИҚ!

### ЕНГИЛ ВА ОҒИР ТАОМ

Ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари киши ошқозонида қанча вақтда ҳазм бўлади? Бу саволга жавоб бериш учун америкалик бир неча олим уч йил мобайнида 30 кишини кўплаб тажрибадан ўтказишди.

Тажриба натижаси қизиқ бўлди. Илгарилари «енгил» деб ҳисобланган кўп овқатлар тез ҳазм бўлавермас экан. Масалан, қовурилган бузоқ гўшти 4 соату 49 дақиқада, тузланган карам 4 соату 30 дақиқада, чўчқа гўшти 4 соату 26 дақиқада, гилос, шафтоли ва олхўри эса 3—4 соатда ҳазм бўлар экан.

Мол гўшти ва пишлоқнинг ҳазм бўлиши учун 3—4 соат, тухум, олма, нок ва хонбалиқнинг сингиши учун бир соатча вақт керак экан. Балиқларнинг бошқа хиллари уч соатдан кам бўлмаган фурсат ичида ҳазм бўлади.

Соғлом кишиларнинг ва айниқса, беморларнинг овқатланишини тўғри мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишда бу текширишларнинг аҳамияти катта бўлди.

### АСОСИЙ ТАЪМ

Қуёш спектрида етти хил асосий нурлар бўлиб, оламдаги минг туман бўёқлар ана шу 7 хил нурнинг турлича қўшилишидан иборат бўлгани каби, таъмнинг ҳам асосийлари кўп эмас — 8 та. Булар: ширин, аччиқ, заҳар, шўр, нордон, тахир таъм, туруш маза, ёғли маза.

Қолган чексиз таомлар ана шу саккиз асосий таъмнинг бирга қўшилишидан иборатдир. Аслида таъм тўққиз тоифага бўлинади, шундан саккизтаси мазалик, биттаси эса бемазага киради. Чунончи, тоза сув, соф тош, металл кабилар мазасиз нарсалардир.

Тўпловчи С. ОДИЛОВА.

